

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВ АХТАМ БОЛТАЕВИЧ

**ПРОСТАТА БЕЗИНИНГ ЁШГА ДОИР МОРФОЛОГИЯСИ, УНИНГ
ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН
БОҒЛИҚЛИГИ ВА СУРУНҚАЛИ АЛКОГОЛИЗМДА СТРУКТУРАВИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Раджабов Ахтам Болтаевич

Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари.....3

Раджабов Ахтам Болтаевич

Возрастная морфология предстательной железы, её связь с показателями физического развития и структурные изменения при хроническом алкоголизме.....31

Radjabov Akhtam Boltaevich

Age-related morphology of the prostate gland, its relationship with indicators of physical development and structural changes in chronic alcoholism..... .61

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 69

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

РАДЖАБОВ АХТАМ БОЛТАЕВИЧ

**ПРОСТАТА БЕЗИНИНГ ЁШГА ДОИР МОРФОЛОГИЯСИ, УНИНГ
ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ БИЛАН
БОҒЛИҚЛИГИ ВА СУРУНҚАЛИ АЛКОГОЛИЗМДА СТРУКТУРАВИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2024

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Tib647 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий консультант

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Курбанов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Тожикистон Республикаси)

Баландина Ирина Анатольевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

**University of campania "Luigi Vanvitelli"
School of Medicine and Surgery (Италия)**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Гиждувон кўчаси, 23. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Амалиёт шифокорлари ва фундаментал тиббиёт тадқиқотчиларининг простата безини ўрганишга бўлган эътиборининг ортиши унинг патологияси кенг тарқалганлиги, «...аксарият холларда диагностика ва даволашнинг умидсиз кўрсаткичлари, сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида без касалликларининг этиопатогенезини ўрганиш зарурати билан боғлиқ...»¹. Бугунги кунга келиб, простата касалликларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг анатомик асосланиши ўз долзарблигини йўқотмаган, гарчи уни жарроҳлик даволашда баъзи ютуқларга эришилган бўлса ҳам. Ривожланиш динамикасида простата безининг эпителий-строма элементларини шаклланиш жараёни ва уларнинг гемомикроциркулятор оқими билан ўзаро алоқадорлиги тўлиқ ҳал қилинмаган. Простата безининг органометрик параметрлари жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ва ёш ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганилмаган. Морфология нуқтаи назаридан ёшга боғлиқ ўзгаришлар ёшга доир меъёрни коррекциялаш ва патологик жараёнларни баҳолашда уни ҳисобга олиш қизиқиш уйғотади. Охир-оқибат, простата безининг патологияси нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлади.

Бутун дунёда тадқиқотчилар простата безининг морфоструктурасига турли хил экологик омиллар, шу жумладан кимёвий омиллар таъсир қилиши мумкинлигини аниқлаганлар. Алкогол энг заҳарли кимёвий омиллардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, спиртли ичимликларни зарарли истеъмол қилиш натижасида дунёда ҳар йили 3 миллион ўлим қайд этилади, бу барча ўлимларнинг 5,3% ни ташкил қилади. Спиртли ичимликлар аксарият органлар ва тизимларга хавфли токсик таъсир кўрсатади. Спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш касалликлар ва ногиронлик бўйича дунёда учинчи хавф омилли бўлиб, 60 турдаги касалликларнинг сабаби ҳисобланади. Алкоголнинг турли орган ва тизимларга таъсирини ўрганишга бағишланган етарли миқдорда экспериментал ва клиник ишлар ўтказилган. Энг заиф органлар бош мия, буйраклар, жигар ва ўпкалар ҳисобланади. Простата безидаги органометрик ўзгаришларни ёш нуқтаи назаридан, шунингдек сурункали алкоголь таъсиридаги комплекс тадқиқотлар бўйича маълумотлар йўқ. Шу кунга қадар алкогольнинг простата безининг шаклланиш ва морфологик ҳолатига таъсири ноаниқ бўлиб қолмоқда. Постнатал онтогенезнинг қайси даврида алкоголь простатанинг морфологик тузилмалари ривожланиши ва шаклланиши учун энг катта хавф туғдириши аниқланмаган, бу назарий ва амалий тиббиёт учун шубҳасиз қизиқиш уйғотади.

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тиббиёт тизимини жаҳон андозаларига мослаштириш, касалликларга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва олдини олиш, аҳолининг ҳаёт давомийлигини ошириш борасида

¹ Абоян И.А., Толмачев А.Н., Лемешко С.И. Морфологическая характеристика ткани гиперплазированной предстательной железы при хроническом простатите. Экспериментальная и клиническая урология 2020(4):82-88. <https://doi.org/10.29188/2222-8543-2020-13-4-82-88>.

кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармонида мувофиқ аҳоли саломатлигини таъминлаш вазифалари доирасида ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни «...бир қадам тамойили асосида ташкил этиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш учун янада қулай шарт - шароит яратиш мақсадида маҳаллаларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган...»².

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги «2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишга маълум даражада ҳисса қўшмоқда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 25-майдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5124-сон, «Соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон қарорларида, «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам» тўғрисидаги 2021-йил 28-июлдаги қарори ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Эркактар жинсий тизими, шу жумладан сутэмизувчилар простата безининг морфология масалалари билан етакчи тадқиқот марказлар ва университетлар шуғулланганлар, жумладан North Carolina State University, Colorado State University Fort Collins, New York State Veterinary College at Cornell University (АҚШ); Seoul National University (Жанубий Корея); The University of Tokyo, University of Tsukuba, Tokyo Medical and Dental University (Япония); City University of Hong Kong (Гонконг); Centre National de La Recherche Scientifique CNRS, Institut National de La Santé & de La Recherche Médicale (INSERM), Université Clermont-Auvergne (Франция); Universitet Göttingen (Германия); University of Bologna (Италия); University of Agricultural Sciences and Veterinary Medicine (Румыния); University of Tabriz (Эрон); Federal University of Agriculture, Makurdi, Ahmadu Bello University, Zaria (Нигерия); San Paulo State University, Institute of Biosciences, Humanities and Exact Sciences (Бразилия); University of Sciences and Technology Houari Boumediene (USTHB), University of Algiers I Benyoucef Benkhedda, Saad Dahlab University of Blida, University of Sciences and Technology Houari Boumediene (USTHB), University Mouloud Mammeri Tizi Ouzou (UMMTO) (Жазоир); Alexandria University, Matrouh University (Миср); Universitas Gadjah Mada (Индонезия);

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

³ <https://www.wku.edu/>; <https://www.dominican.edu/>; <https://www.harvard.edu/>; <https://missouri.edu/>; <https://www.unl.edu/>; <https://www.unipage.net/>; <https://www.ox.ac.uk/>; <https://www.icu.ac.jp/en/>; <https://www.wur.nl/en/>; <https://www.fabnet.up.ac.za/>; <https://www.up.ac.za/>; <https://www.dal.ca/>; <https://www.usask.ca/>; <https://www.kuleuven.be/>; <https://www.ugent.be/en> ва бошқа манбалар

В.Р. Филипов номидаги Бурят давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Новосибирск давлат аграр университети, Красноярск давлат аграр университети, Омск давлат аграр университети (Россия Федерацияси).

Постнатал онтогенезнинг турли босқичларида инсон простата беги қуйидаги илмий муассасаларда ўрганилган: University of Illinois at Chicago, University of Kentucky, Baylor College of Medicine, Houston, University of California, University of Wisconsin, Duke University, Davison Building, Wayne State University, Karmanos Cancer Institute, Florida International University College of Arts (АҚШ); Кабардино-Балқар давлат университети, Россия тиббиёт академияси, Санкт-Петербург давлат педиатрия академияси (Россия Федерацияси); Халқлар дўстлиги орденли Витебск давлат тиббиёт университети (Беларус Республикаси); Данило Галицкий номидаги Львов миллий тиббиёт университети, Запороже давлат тиббиёт университети (Украина).

Кемирувчилар, шу жумладан каламушлар простата безининг макро ва микроанатомияси University of California (АҚШ); Mie University (Япония); University of León (Испания); University of Trás-os-Montes and Alto Douro, Center for the Research and Technology of Agro-Environmental and Biological Sciences, University of Aveiro, Animal and Veterinary Research Center, Lusophone University of Humanities and Technologies, University of Trás-os-Montes and Alto Douro, Institute for Research in Biomedicine (Португалия); Universidad Autónoma Metropolitana-Iztapalapa, Universidad Autónoma de Tlaxcala (Мексика); University of Ibadan, Federal University of Agriculture (Нигерия); University of the Witwatersrand (Жанубий Африка Республикаси) каби жаҳон илмий марказларида ўрганилган.

Алкоголнинг турли органлар ва тизимларга таъсирини ўрганишга бағишланган етарли миқдордаги экспериментал ва клиник тадқиқотлар ўтказилган. Спиртли ичимликларнинг репродуктив тизимига, шу жумладан сутэмизувчилар простатасига салбий таъсири жуда хилма-хил бўлиб, ушбу муаммони ҳал қилиш учун дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртлиларида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан: Institute of Biosciences, San Paulo State University, Institute of Biology, State University of Campinas UNICAMP (Бразилия); Россия Тиббиёт Фанлари Академиясининг Сибир филиали Клиник ва экспериментал лимфология илмий-тадқиқот институти, Кабардино-Балқар давлат университети (Россия Федерацияси).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сутэмизувчиларнинг репродуктив вазифаси ер юзида ҳаёт учун асосий омил ҳисобланади, шу сабабли ундаги ҳар қандай оғишлар глобал салбий оқибатларга олиб келади. Охирги вақтларда бутун дунё бўйлаб эркаклар спермограмма кўрсаткичларининг кескин ёмонлашиши кузатилмоқда, репродуктив марказларнинг маълумотларига кўра, уруғлантириш даражаси пасаймоқда ва пренатал ўлим ҳолатлари тез-тез учраб бормоқда. Буларнинг барчаси репродуктив оғишларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг механизмларини ўрганиш учун шошилинич чоралар кўриш зарурлигини кўрсатмоқда (Саяпина И.Ю., 2018; Абоян И.А. ва ҳаммуал., 2020; Ланина В.А. ва ҳаммуал., 2020; Magri V. et al., 2019).

Мавжуд адабиёт манбаларини кўриб чиқиш шуни кўрсатдики, простата безининг морфологияси бўйича ишлар мавжудлигига қарамай, уларнинг аксарияти орган морфологиясининг алоҳида босқичларига бағишланган. Ёшга доир простата безининг макро ва микроанатомик кўрсаткичларининг шаклланиш ва ўсиш жараёни ўрганилмаган бўлиб қолмоқда (Устенко Р.Л., 2013; Громов А.И. ва ҳаммуал., 2017; Петко И.А., Усович А.К., 2019; Vannovskiy A. et al., 2018).

Мазкур тадқиқот простата безининг ўрганилаётган тузилмаларининг ёшга доир ўзгаришларни кейинги ўрганиш истиқболларини кўрсатишга, шунингдек, органнинг шаклланиш даврларини аниқлашга ва касалликларни коррекция усулларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири сурункали алкоголизмнинг ривожланиш механизмларини ўрганишдир. Шу кунгача алкогольнинг простата безининг шаклланиши ва морфологик ҳолатига таъсири ноаниқ бўлиб қолмоқда. Постнатал онтогенезнинг қайси даврида алкоголь простата безининг морфологик тузилмаларининг ривожланиши ва шаклланиши учун энг катта хавф туғдириши аниқланмаган, бу назарий ва амалий тиббиёт учун шубҳасиз қизиқиш уйғотади (Россо А. et al., 2014; Ivanets N.N., 2016). Буларнинг барчаси, шубҳасиз, меъёрда ва патологик шароитларда простата безининг функционал аҳамиятини тўғри талқин қилишни мураккаблаштиради. Ушбу муаммони ўрганиш алкогольнинг репродуктив тизим органларига таъсир қилишда шикастланиш механизмларини очиб беришга ёрдам беради.

Охирги йиллардаги адабиёт манбалари таҳлили (Труфанов Г.Е., Рязанов В.В., 2016; Аляев Ю.Г. ва ҳаммуал., 2018; Brock M. et al., 2018; Zyryanov A.V. et al., 2020) шуни кўрсатдики, простата безининг ултратовуш морфометрияси бўйича маълумотлар маълум бир ёшдаги алоҳида кузатувлар билан чекланган ва маълум бир патологиянинг мавжудлигини текширишда тасодифан олинган, натижада улар статистик ишончлилиги жихатидан етарлича асосланмаган ва жисмоний ривожланиш, ёш ўзгарувчанлиги кўрсаткичларини ҳисобга олмасдан берилган. Шу билан бирга, адабиётларда бутун онтогенез давомида простатанинг ёшга доир ултратовуш анатомияси бўйича маълумотлар йўқ. Сурункали алкоголизмда органнинг ёшга доир биометрик параметрларини шаклланиш қонуниятлари ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Муаммони ҳал қилиш шифокорлар учун простата беги анатомик параметрларининг ёшига ва атроф-муҳитнинг кимёвий омиллари таъсирига қараб ўзаро боғлиқлиги бўйича тегишли тавсияларни шакллантиришга имкон беради.

Шундай қилиб, туғруқдан кейинги онтогенезнинг турли даврларида простата безининг морфометрик кўрсаткичлари ўзгаришининг меъёрий миллий стандартларини ишлаб чиқишда, простата органометрик параметрлари ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишни давом эттириш керак.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022.DSc.174) «COVID-19 дан

кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолисининг соғлигига таъсир қилувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш, даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоғолизмда структуравий ўзгаришларини клиник-экспериментал тадқиқотда аниқлашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

туғруқдан кейинги бутун онтогенез давомида каламуш простата безининг тана вазни ва органометрик кўрсаткичларининг ривожланиш динамикасини аниқлаш;

сурункали алкоғолизмга чалинган каламушларда ёш билан боғлаган ҳолда тана вазни ва простата безининг анатомик параметрларини ўсиш ва ривожланишини аниқлаш;

постнатал онтогенезда каламуш простатасининг без ва без бўлмаган тузилмаларининг шаклланиш динамикасини аниқлаш ва баҳолаш;

экспериментда сурункали алкоғол захарланишда постнатал онтогенез давомида каламуш простата безининг эпителиал-строма тузилмаларининг ривожланиш кетма-кетлигини белгилаш;

постнатал онтогенезда ва алкоғолнинг сурункали таъсири остида каламушлар простата безининг гемомикроциркулятор томирларининг ривожланиш ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш;

иммуногистокимёвий усуллар ёрдамида (Киб7, СДЗ маркерлари) соғлом ва сурункали алкоғолизмга учраган каламушларда пролифератив ва Т-хужайра иммунитети жараёнлари ҳолатини қиёсий баҳолашни ўтказиш;

эркакларда простата беги ултратовуш анатомиясининг органометрик кўрсаткичларини чақалоқлик давридан қариликка қадар, шунингдек сурункали алкоғолизм билан касалланган эркакларда ўрганиш ва баҳолаш;

постнатал онтогенез давомида простата безининг биометрик параметрлари билан жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида туғруқ жараёнидан 18 ойгача бўлган 213 та оқ эркак каламушлар, шунингдек, чақалоқлик давридан қарилик давригача бўлган 1544 та эркак шахслари ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида лаборатория ҳайвонлари простата безининг макропрепаратлари, гистологик материаллар, шунингдек эркаклар простата безининг ултратовуш текшируви натижалари ва жисмоний ривожланишининг асосий кўрсаткичлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда макроскопик, гистологик, иммуногистокимёвий, ултратовуш, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

каламушлар простата безининг ёшга доир анатомо-топографик хусусиятлари, тана вазни ва органометрик параметрларининг ривожланиш динамикаси ва алкоғолнинг сурункали таъсиридаги ўзгаришлари аниқланган. Олинган маълумотлар каламушлар простата безининг макроанатомик параметрларининг ривожланиши ва тузилиши бўйича назарий билимларни

кенгайтиришга имкон берди, бу сутэмизувчилар онтогенези муаммоларини тушунишда муҳим фундаментал аҳамиятга эга. Тажриба шароитида сурункали алкоголизмни моделлаштириш одамларникига ўхшаш бўлган характерли патологик ўзгаришларни олиш имконини берди. Тадқиқот натижалари ушбу патологияга чалинган беморлар учун адекват даволаш усуллари ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилган;

илк бор каламуш простата безини батафсил гистоморфометрик ва иммуногистокимёвий ўрганиш асосида постнатал онтогенез давомида органнинг эпителий-строма тузилмаларининг ёшга боғлиқ ўзига хос хусусиятлари аниқланган. Простата таркибий элементларининг шаклланиши ривожланиш давомида кетма-кет ва синхрон равишда амалга оширилади ва бир вақтнинг ўзида ўзига хос хусусиятларига эга. Простата безида патологик жараённинг пайдо бўлиши ва ривожланиши органнинг структуравий ва функционал параметрларига боғлиқ. Ҳайвонларнинг простата гистологиясини аниқ тушуниш каламушларда урогенитал фенотипларни аниқлаш учун, шунингдек, каламушларда моделлаштириш орқали инсон простата касалликларининг этиологиясини, ривожланишини ва даволашни ўрганиш учун зарурлиги аниқланган;

тажрибада алкогольнинг безга таъсир қилиш даражаси аниқланган ва баҳоланган, простата безининг энг заиф бўлган даврлари аниқланган. Алкогол таъсиридаги шикастланишларнинг энг юқори даражаси органнинг периферик, субкапсулар зоналарида кузатилган, марказий ҳудудларда эса компенсатор ҳодисалар устунлик қилган. Тажрибада уч ва ўн саккиз ойлик даврларида простатанинг алкоголь таъсирига энг юқори сезувчанлиги аниқланган;

Ki67 ва CD3 иммуногистокимёвий маркерлар ёрдамида соғлом ва сурункали алкоголизмдан азият чекадиган каламушларнинг простата безидаги пролифератив жараёнлар ва ҳужайра иммунитетининг қиёсий таҳлили амалга оширилган. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда ривожланишнинг 21-чи кунига қадар стромал қатлам ва эпителий иплари тузилмаларида Ki67 маркерининг юқори даражадаги экспрессияси кузатилган, бир ойликдан бир ярим ёшгача бўлган даврда паст даражадаги пролифератив фаоллик қайд этилган, бу органнинг тугалланган дифференцировкаси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Т-ҳужайра иммунитетини баҳолаш постнатал онтогенез давомида CD3 маркерининг энгил экспрессияси аниқланган. Экспериментал гуруҳ ҳайвонларида Ki67 маркерига ўртача-оғир даражада иммунопозитив реакция кузатилган, бу пролифератив фаолликнинг ошишини кўрсатади. Тажрибада CD3 маркери 12 ойгача бўлган каламушларда ўртача даражада экспрессияланган, 18 ойлигида маркернинг оғир даража экспрессияси кузатилган, бу алкоголь таъсирига жавобан органдаги реактив жараёнларнинг кучайишини кўрсатган;

кенг қамровли ултратовуш ва морфометрик текширувлар асосида эркаклар простата безининг биометрияси ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ёшга доир минтақавий, норматив параметрлари яратилди, бу эса мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлашга имкон берди. Простата безининг морфометрик параметрлари ва жисмоний ривожланишнинг антропометрик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик

бўйича тадқиқот натижалари ултратовуш текшируви билан шуғулланадиган шифокорлар ва умумий амалиёт шифокорлари учун тавсиялар ва боғлиқлик алгоритмини яратишга имкон берди, улардан фойдаланиш текширилаётган худудларда диагностика ва профилактика чораларининг самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

простата безининг макро ва микроскопик тузилишига алкоғолнинг сурункали таъсир қилиш даражасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказишнинг босқичма-босқич методологияси ишлаб чиқилган ва тиббий амалиётга тавсия этилган;

эркакларда простата безининг ёшга доир ултратовуш кўрсаткичлари учун минтақавий норматив стандартлари ишлаб чиқилган, улар простата патологиясини эрта ташхислаш ва олдини олиш учун амалий тиббиётда фойдаланиш учун тавсия этилган;

тадқиқот натижалари простата безининг морфометрик параметрлари ва жисмоний ривожланишнинг антропометрик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик бўйича тавсиялар ва алгоритм яратишга имкон берган. Ушбу маълумотлардан фойдаланиш ўрганилаётган худудларда профилактика чоралари самарадорлигини оширган;

олинган маълумотлар жисмоний ривожланиш параметрларига қараб соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берган, шунингдек, амалий соғлиқни сақлаш, профилактика ва назарий тиббиёт учун муҳим бўлган жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг миллий стандартларини шакллантириш мақсадида ишлатилиши мумкинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг услубий ёндашуви, экспериментал ҳайвонларнинг етарлича миқдори, замонавий ўзаро боғлиқ бўлган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий, ултратовуш ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланиш билан асосланади, шунингдек олинган натижалар ваколатли органлар томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Иш натижаларининг илмий аҳамияти постнатал онтогенез даврида ва алкоғолнинг сурункали таъсирида простата беги таркибий қисмларининг ривожланиш қонуниятлари ва тузилиши ҳақидаги назарий билимларни тўлдириш ва бойитишга, жисмоний ривожланиш морфометрик кўрсаткичларининг ёшга боғлиқ меъёрий параметрларини ва простата ултратовуш анатомиясини аниқлашга, алкоғолнинг органга таъсир қилиш даражасини баҳолаш ва простата безининг энг заиф бўлган даврларини аниқлашга имкон беради ва улар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланган.

Ушбу тадқиқотнинг амалий аҳамияти простатанинг онтогенези бўйича янги гистоморфометрик маълумотлар морфологик диагностика жараёнини объективлаштириш учун қўшимча белгилар сифатида ҳисобга олинганлиги, эрта постнатал онтогенезда простата стромал компонентлари ва хужайра тузилмалари шаклланишининг структуравий ва функционал механизмларини билиш, болалик даврида репродуктив саломатлик муаммоларини олдини олиш ва даволаш учун уларни тартибга солиш усулларини ишлаб чиқишга

имкон берганлиги, сурункали алкоголизмда простата безида аниқланган морфологик ўзгаришлар дори воситаларини ва реабилитация технологияларини этиотроп тайинлаш учун асос бўлиб хизмат қилганлиги, ултратовуш диагностикаси билан шуғулланадиган шифокорлар текширувининг назарий ва амалий жиҳатларига маълум ҳисса қўшганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 13 ноябрдаги 23-Z/080-сонли хулосасига кўра:

Илмий янгиликнинг моҳияти: каламушлар простата безининг ёшга доир анатомо-топографик хусусиятлари, тана вазни ва органометрик параметрларининг ривожланиш динамикаси ва алкогольнинг сурункали таъсиридаги ўзгаришлари аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: олинган маълумотлар каламушлар простата безининг макроанатомик параметрларининг ривожланиши ва тузилиши бўйича назарий билимларни кенгайтиришга имкон берди, бу сутэмизувчилар онтогенези муаммоларини тушунишда муҳим фундаментал аҳамиятга эга. Тажриба шароитида сурункали алкоголизмни моделлаштириш одамларникига ўхшаш бўлган характерли патологик ўзгаришларни олиш имконини берди. Тадқиқот натижалари ушбу патологияга чалинган беморлар учун адекват даволаш усулларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.04.2023; № 21), Бухоро вилоят наркология диспансери бўйича буйруқ (20.04.2023; №12), ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (13.06.2023; № 11/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: алкогольнинг простата беги биометрик параметрларига сурункали таъсири бўйича аниқланган қонуниятлар эрта ташхис қўйиш сифатини янада яхшилашга, прогнозлаш усулларини ишлаб чиқишга ва аҳолини самарали илмий асосланган даволаш имконини берди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: интакт ва сурункали алкоголизмга чалинган ҳайвонларда простата безининг органометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш бўйича назарий билимларнинг кенгайиши алкогольнинг сурункали таъсири бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказишда диагностика усулларини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор ҳисобига 35000 сўм тежаш имконини берди.

Хулоса: простата безининг алкоголь патологиясини эрта ташхислаш ва башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 35 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш

муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 21 июндаги 01/04/3332-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор каламуш простата безини батафсил гистоморфометрик ва иммуногистохимёвий ўрганиш асосида постнатал онтогенез давомида органнинг эпителий-строма тузилмаларининг ёшга боғлиқ ўзига хос хусусиятлари аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: простата таркибий элементларининг шаклланиши ривожланиш давомида кетма-кет ва синхрон равишда амалга оширилади ва бир вақтнинг ўзида ўзига хос хусусиятларига эга. Простата безида патологик жараённинг пайдо бўлиши ва ривожланиши органнинг структуравий ва функционал параметрларига боғлиқ. Ҳайвонларнинг простата гистологиясини аниқ тушуниш каламушларда урогенитал фенотипларни аниқлаш учун, шунингдек, каламушларда моделлаштириш орқали инсон простата касалликларининг этиологиясини, ривожланишини ва даволашни ўрганиш учун зарурлиги аниқланган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.04.2023; № 21), Бухоро вилоят наркологиya диспансери бўйича буйруқ (20.04.2023; №12), ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (13.06.2023; № 11/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сурункали алкоголизмнинг простата беzi стромал-эпителий тузилмаларига таъсирининг аниқланган хусусиятлари эрта ташхис қўйиш сифатини яхшилаш ва аҳолини илмий асосланган даволаш имконини беради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: алкогольни ҳайвонлар простатасининг микроанатомик параметрларига сурункали таъсирини баҳолаш методологияси бўйича таклиф этилган тавсиялар диагностика усулларини такомиллаштириш орқали экспериментал тадқиқотлар давомида 1 нафар бемор ҳисобига 35 000 сўм маблағни тежаш имконини беради.

Хулоса: простата безининг алкоголь патологиясини эрта ташхислаш ва башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор ҳисобига 35 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 21 июндаги 01/04/3332-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: тажрибада алкогольнинг безга таъсир қилиш даражаси аниқланган ва баҳоланган, простата безининг энг заиф бўлган даврлари аниқланган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Алкогол таъсиридаги шикастланишларнинг энг юқори даражаси органнинг периферик,

субкапсулар зоналарида кузатилган, марказий ҳудудларда эса компенсатор ҳодисалар устунлик қилган. Тажрибада уч ва ўн саккиз ойлик даврларида простатанинг алкохол таъсирига энг юқори сезувчанлиги аниқланган. Олинган маълумотлар экспериментал ҳайвонларнинг простата безига морфологик даражада алкохол таъсирининг баҳолаш самарадорлигини оширишга имкон бериб, тадқиқот давомийлигини қисқартиради.

Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.04.2023; № 21), Бухоро вилоят наркология диспансери бўйича буйруқ (20.04.2023; №12), ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (13.06.2023; № 11/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: алкохолнинг сурункали таъсирида простата эпителий-строма тузилмалар шаклланишининг структуравий ва функционал механизмларини билиш аҳолининг репродуктив саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни олдини олиш ва даволаш учун уларни тартибга солиш йўллари ишлаб чиқишга имкон берди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган илмий-амалий натижалар асосида алкохолнинг безга таъсир қилиш даражасини аниқлаш ва баҳолаш натижасида диагностика усулларини такомиллаштириш орқали 1 нафар бемор хисобига 35000 сўм давлат маблағларини тежаш имконини берди.

Хулоса: простата безининг алкохол патологиясини ўз вақтида баҳолаш, эрта ташхислаш ва башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор хисобига 35 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилади.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 21 июндаги 01/04/3332-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Кi67 ва CD3 иммуногистохимёвий маркерлар ёрдамида соғлом ва сурункали алкоголизмдан азият чекадиган каламушларнинг простата безидаги пролифератив жараёнлар ва хужайра иммунитетининг қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: қўлланиладиган иммуногистохимёвий усуллар соғлом ва сурункали алкоголизмдан азият чекадиган каламушларнинг простата безидаги пролифератив жараёнлар ва хужайра иммунитетининг қиёсий баҳолаш имконини берди, уларнинг натижалари морфологик диагностика жараёнини объективлаштириш учун қўшимча белгилар сифатида ҳисобга олиниши исботланган.

Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.04.2023; № 21), Бухоро вилоят наркология диспансери бўйича буйруқ (20.04.2023; №12), ҳамда Бухоро

вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (13.06.2023; № 11/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: простата тўқималарида Ki67 ва СДЗ маркерлар экспрессиясининг баҳоланиши орқали алкоголь таъсирига жавобан органдаги пролифератив фаоллик ва реактив жараёнларнинг ҳолатини аниқлаш мумкин, бу саратон ва иммунопатология касалликларида ўз вақтида ташхис қўйиш, даволашни оптималлаштириш ва иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: прогностик иммуногистокимёвий критерийларни ўз вақтида аниқлаш натижасида диагностика усуллари тақомиллаштириш орқали ўз вақтида ташхис қўйиш, оптимал даволаш, шунингдек 1 нафар бемор хисобига 50 000 сўм давлат маблағларини тежаш имконини беради.

Хулоса: простата безининг алкоголь патологиясини ўз вақтида баҳолаш, эрта ташхислаш ва башорат қилиш натижасида 1 нафар бемор хисобига 50 000 сўм иқтисодий самарадорликка эришилган.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 21 июндаги 01/04/3332-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: кенг қамровли ултратовуш ва морфометрик текширувлар асосида эркаклар простата безининг биометрияси ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг ёшга доир минтақавий, норматив параметрлари яратилди, бу эса мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлашга имкон берди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: простата безининг морфометрик параметрлари ва жисмоний ривожланишнинг антропометрик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик бўйича тадқиқот натижалари ултратовуш текшируви билан шуғулланадиган шифокорлар ва умумий амалиёт шифокорлари учун тавсиялар ва боғлиқлик алгоритмини яратишга имкон берди, улардан фойдаланиш текширилаётган ҳудудларда диагностика ва профилактика чораларининг самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Илмий янгиликни амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Бухоро филиали бўйича буйруқ (17.04.2023; № 21), Бухоро вилоят наркология диспансери бўйича буйруқ (20.04.2023; №12), ҳамда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (13.06.2023; № 11/7) билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жисмоний ривожланишнинг антропометрик кўрсаткичларининг ёшга доир морфометрияси ва уларнинг простата беги биометрик параметрлари билан корреляцион ўзаро боғлиқлиги бўйича олинган маълумотлар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида эрта ташхис қўйиш сифатини яхшилаш,

простата касалликларини башорат қилиш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган маълумотлар простата беши ва жисмоний ривожланиш патологияларини текшириш ва диагностикасини умумий харажатларини камайтиради, бу эса кейинчалик стационар даволаш муддатини қисқартириш орқали тиббий ёрдам сифатини яхшилашга олиб келади. Натижада 1 нафар бемор хисобига 40 000 сўм бюджет маблағларини тежаш имконини берди.

Хулоса: жисмоний ривожланиш кўрсаткичларнинг ёшга доир антропометрияси ва простата биометрияси бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари эркакларда уларнинг минтақавий хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни сезиларли даражада тўлдиради ва уларни амалий тиббиётда қўллашга имкон беради. Унинг амалиётда ишлатилиши натижасида диагностика муолажалари ва стационар харажатларга сарфланган маблағлардан 1 нафар бемор хисобига 40 000 сўм миқдоридан давлат бюджетини тежашга эришилди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Простата безининг ёшга доир морфологияси, унинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ва сурункали алкоголизмда структуравий ўзгаришлари» мавзусида илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши раисига Бухоро давлат тиббиёт институти ректори томонидан 2023 йил 21 июндаги 01/04/3332-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 5 та хорижий конференцияларда тақдим этилган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 35 та илмий мақола чоп этилган бўлиб, шулардан 15 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда, жумладан, 12 таси республика, 3 таси халқаро нашрларда чоп этилган. ЭҲМ учун 1 та дастур расмий рўйхатдан ўтказилиб гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 188 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари акс эттирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Одам ва хайвонлар простата безининг морфологияси ва атроф-муҳит омиллари таъсиридаги ўзгаришлари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимиз ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йиллардаги илмий ютуқлари атрофлича таҳлил қилинган, сутэмизувчилар простата безининг морфологик хусусиятларига қиёсий тавсиф берилган, шунингдек, уларнинг турли хил муҳит омиллари таъсиридаги ўзгаришлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ишнинг қўйилган муаммонинг ечимини таъминловчи услубий ёндашувлар ва усуллар атрофлича ёритилган.

Морфологик тадқиқот объекти сифатида туғруқ жараёнидан 18 ойгача бўлган 213 та оқ эркак каламушлар олинган, назорат гуруҳидаги хайвонлар сони 161 тани, экспериментал гуруҳда - 52 тани ташкил этган. 16 та экспериментал гуруҳ шакллантирилган: 1 - янги тугилган каламушлар ($n = 18$); 2 - 6-кунлик ($n=20$); 3 - 11-кунлик ($n=18$); 4 - 16-кунлик ($n=17$); 5- 21-кунлик ($n=16$); 6 - 1-ойлик ($n=14$); 7 - 3-ойлик, назорат гуруҳи ($n=12$); 8 - 6-ойлик, назорат гуруҳи ($n=14$); 9 - 9-ойлик, назорат гуруҳи ($n=12$); 10 - 12-ойлик, назорат гуруҳи ($n=10$); 11- 18-ойлик, назорат гуруҳи, ($n=10$); 12- 3-ойлик, экспериментал гуруҳ ($n=12$); 13- 6-ойлик, экспериментал гуруҳ ($n=12$); 14 - 9-ойлик, экспериментал гуруҳ ($n=8$); 15- 12-ойлик, экспериментал гуруҳ ($n=10$); 16- 18-ойлик, экспериментал гуруҳ ($n=10$).

Экспериментал гуруҳларда сурункали алкоголизмни моделлаштириш мақсадида 40,0% этанол эритмаси ёрдамида хайвонларни мажбурий алкоголизация қилиш ишлатилган (Сидоров П.И., 2002). Эритма кўрсатилган мудатдан олдин 1 ой давомида тана вазнининг бир килограммига 7 мг умумий дозада кунига 1 марта металл зонд ёрдамида интрагастрал юборилган. Назорат хайвонлари интрагастрал равишда тенг миқдорда 0,9% NaCl эритмасини олишган. Каламушлар тасдиқланган қоидаларга мувофиқ эфир беҳушлиги остида жонсизлантирилган (Сидоров П.И., 2002, Рыбакова А.В., 2015; Коптяева К.Е., 2018).

Хайвонларни жонсизлантирилиш 6,11,16,21-кунларда ва 1,3,6,9,12,18 ойларни охирига келиб, оч қоринга, эрталаб амалга оширилган. Ундан олдин лаборатория хайвонларининг тана вазни ўлчанган. Қорин бўшлиғидан простата олинганидан сўнг, шакли аниқланган, органнинг вазни, узунлиги, кенглиги, қалинлиги ўлчанган. Каламушлар ва простата вазнини ўлчаш Асом Инс. (Жанубий Корея) фирмасининг JW-1 ($e = 0,02$ г) электрон тарозисида ўтказилган, аъзо узунлиги, кенглиги ва қалинлиги оддий линейка билан амалга оширилган. Простатанинг вазн коэффициентини $ВК = \frac{\text{органнинг вазни (г)}}{\text{тана вазни (г)}} \times 100\%$ формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилган.

Хайвонларнинг морфометрик тадқиқот ишлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахлоқий қўмитасининг хулосаси асосида ўтказилган (21.09.2020 йилдаги 4/17-1442-сонли хулоса).

Органни макроскопик баҳолашдан сўнг, простата намуналари 10,0% нейтрал формалинда фиксация қилингандан кейин, Thermo Fisher (Германия) компаниясининг STP120 карусел процессорида гистологик ишлов беришдан ўтказилган, сўнгра намуналар Histo Star Thermo Fisher (TFS, АҚШ) станциясида парафинга солинган. Қалинлиги 3-4 мкм бўлган кесмалар НМ

325 (TFS, АКШ) ротацион микротом ёрдамида олинган. Кесмалар гематоксилин-эозин, ван-Гизон ва иммуногистохимёвий усуллар билан бўялган.

Иммуногистохимёвий тадқиқотлар учун 3 мкм қалинликдаги кетма-кет кесмалар депарафинизация, дегидратация, демаскировкадан кейин Ventana Bench Mark XT, Roche (Швейцария) ихтисослаштирилган ва автоматлаштирилган тизими ёрдамида антигенлар билан бўялган. СДЗ ва Ki67 (Ventana, Швейцария) поликлонал маркерлар 1:100 суюлтиришда ишлатилган, кейин ёпишқоқ қопламали гистологик шишаларга (Ventana, Швейцария) ўтказилган. Иммуногистохимёвий реакциялар маркер ишлаб чиқарувчининг протоколига мувофиқ амалга оширилган.

Микроскопни 70 баробар (7x10) катталаштириши билан кесмаларда безлар бўшлиғининг шакли, уларни кўрув майдонидаги сони, секретли ва секрециясиз ацинусларнинг ҳажм улуши (%), кўрув майдонидаги десквамацияланган эпителий хужайралари бўлган ацинуслар сони аниқланган, бўлакчалар ичидаги стромада интраорган қон томирлар сони ҳисобланган.

Препаратларда 280 марта катталаштиришда (7x40) окуляр-микрометр ёрдамида ацинуслар бўшлиғининг диаметри, эпителийнинг баландлиги, артериола, капилляр ва венулаларнинг ички диаметри ва девор қалинлиги ўлчанган, коллаген толалари қалинлиги ва уларнинг без тўқималаридаги тарқалиш қоидалари аниқланган.

Кўрув майдонида (7x40) без тўқималарида лимфоцитар инфильтрациясининг мавжудлиги ва тарқалганлик даражаси баҳоланган. Лимфоцитларни тарқалганлик даражасини (хужайралар зичлиги) аниқлашда the North American Chronic Prostatitis Collaborative Research Network и the International Prostatitis Collaborative Network таснифи ишлатилган:

1) енгил даража - алоҳида оралиқ зоналар билан ажратилган ягона жойлашган лимфоцит хужайралари;

2) ўртача даража - тўқима деструкциясиз ва / ёки лимфоид тугунча шаклланишсиз кечайдиган лимфоцит хужайраларининг бирлашган майдонлари;

3) оғир даража - тўқима деструкцияси ва / ёки лимфоид тугунча шаклланиши билан кечайдиган лимфоцит хужайраларнинг бирлашган майдонлари.

Ҳар бир препаратда 10 та кўрув майдонида 7x40 катталаштиришда окуляр-микрометр ёрдамида бириктирувчи тўқималарни ҳаддан ташқари ўсиш (фиброз) оғирлигини баҳолаш учун безлар орасидаги строма қатламларининг қалинлиги ўлчанган. Бирлаштирувчи тўқималарнинг сиқилиш даражаси тегишли усул билан аниқланган (Горбунова Э.Н. ва ҳаммуал., 2011). Унга кўра:

1) енгил форма - стромал тўсиқлар қалинлигининг 10 тадан 2-4 та кўрув майдонида 2 мартагача ошиши; 2) ўртача форма - стромал тўсиқлар қалинлигининг 10 тадан 4 тадан ортиқ кўриш майдонида 2 мартагача ошиши ёки кескин қалинлашганда - 3 мартадан ортиқ (1-2) кўрув майдонида ошиши; 3) оғир форма - стромал тўсиқлар 7-10 та кўрув майдонида 3 мартагача ёки ундан ортиқ катталашгани.

Простатанинг без ва строма элементларнинг ҳажм улушлари ўрганилган (% да). Бунинг учун кесишмалар сони 100 та бўлган Г.Г. Автандилов морфометрик панжараси ёрдамида окуляр х10, объектив х10 билан простата безининг ҳар бир препаратида 10 та кўрув майдонида строма ва без (шу жумладан ацинуслар бўшлиғи) элементларига тушадиган кесишмалар сони ҳисобланган ва уларнинг нисбатлари аниқланган.

Инсон простата безининг ултратовуш ва антропометрик тадқиқотларини ўтказиш мақсадида чақалоклик давридан қариллик давригача бўлган 1544 нафар эркак текширилган. Шу жумладан сурункали алкоголизмга чалинган 154 нафар етук (I-II давр) ва кекса эркакларда простата безининг ултратовуш текшируви ва морфометрияси ўтказилган.

Болалар ва ўсмирлар физиологияси институтининг инсон онтогенезини ёш даврийлиги бўйича тавсия этилган схемасидан фойдаланилган.

Бухоро вилояти перинатал марказининг туғруқ бўлимида янги туғилган ўғил болаларнинг ултратовуш текшируви ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг антропометрик ўлчовлари ўтказилган. Бухоро шаҳридаги “Насриддин-Шамс” кўп тармоқли хусусий клиникасида 16 ёшгача бўлган ўғил болалар, Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва вилоят наркологиya диспансерида 16 ёшдан ошган катта ёшли эркаклар кўрикдан ўтказилган.

Ултратовуш текшируви ўтказиш жараёнида простата безининг узунлиги, кенлиги, қалинлиги ўлчанган. Простата ултратовуш текшируви натижаларига кўра, простатанинг ҳажми муаллифлар жамоаси (Michael Mitterberger et al., 2019) томонидан таклиф қилинган формуладан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Ушбу муаллифларнинг фикрига кўра, ушбу ҳисоблаш техникаси простата безининг ҳақиқий ҳажми билан энг юқори корреляцияга эга. Унга кўра, $V = K \times K \times U \times \pi / 6$, бу эрда K – қалинлиги, K – кенлиги, U – узунлиги, π – 3,14 (константа).

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини ўлчаш Х.Н. Шамирзаев, С.А.Тен ва Ш.И. Тўхтаназаровалар томонидан ишлаб чиқилган "Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиш баҳолашининг морфометрик тавсифлари" (Тошкент, 1998) услубий тавсияларига мувофиқ амалга оширилган. Тана узунлигини (баландлигини) ўлчаш учун стандарт турдаги ростомер ишлатилган. Тана вазнини аниқлаш учун текширилганлар стандарт тарозида тортилган, 1 ёшгача бўлган болаларнинг тана вазни махсус тиббий педиатрик тарозида ўлчанган. Кўкрак қафасининг айланаси стандарт миллиметрли лента ёрдамида нафас олишнинг паузасида ўлчанган.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш Microsoft Office Excel 7.0 дастури ёрдамида, шунингдек ўртача (M) ва нисбий (P) қийматларни ўртача статистик хатоларини (m) ҳисоблаш билан Статистика 6.0 амалий дастурий таъминот пакетларидан фойдаланган ҳолда, параметрик ва нопараметрик усуллардан фойдаланган ҳолда фарқларнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш орқали амалга оширилди. Фарқлар $p \leq 0,05$ да статистик жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланди. Корреляцион таҳлил Пирсон усули ёрдамида (r) ҳисоблаш орқали амалга оширилган (Маматкулов Б.М., 2013)

Диссертациянинг «Назорат гуруҳидаги каламушлар простата безининг постнатал онтогенезда ривожланиши ва морфологик

тузилиши» деб номланган учинчи бобда постнатал онтогенез даврида ҳайвонлар простата безининг макро ва микроанатомик кўрсаткичларининг ривожланиши ва шаклланишига оид тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек, ушбу бобда каламушлар простата безининг ёшга доир иммуногистохимёвий хусусиятлари келтирилган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, янги туғилган ва 6-кунлик каламушларда простата 100% ҳолларда узунлама-овал шаклга эга. 11-кунлик каламушларда аъзо 72,2% да узунлама-овал, 27,8% ҳолларда думалоқ шаклига эга. Бу икки шакл 3-ойлик давргача давом этади, узунлама-овал шакл 83,3% гача кўтарилади, юмалоқ шакл 16,7% гача камаяди. 6-ойликдан бошлаб орган икки бўлакли (78,6%) ва тўрт бўлакли (21,4%) тузилишга эга. Бир ва бир ярим ёшда без тўрт бўлакли тузилиш билан тавсифланади.

Ривожланишининг постнатал даврида каламушларнинг тана вазни ошишининг турли суръатлари аниқланган. Лактация даврида тана вазнининг энг юқори кўрсаткичи 6-кунликда кузатилган, ва у 1,1 мартага ошган. Кечки постнатал онтогенезда энг катта ўсиш ҳайвонлар ҳаётининг 3-6-чи ойларида кузатилган, бунда вазн кўрсаткичи мос равишда 1,6 марта ва 92,5% га ошган. Кейинчалик 18-ойгача бўлган даврда ушбу кўрсаткичнинг 6,3% гача босқичма-босқич пасайиш тенденцияси кузатилган.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда тана вазнининг ўртача кунлик ўсишининг энг юқори кўрсаткичлари эмизиш давридаги ёш гуруҳларида аниқланган (15-20%). Кейинчалик қарилик давригача (0,56%), бу кўрсаткичнинг пасайиши кузатилган.


Постнатал онтогенез даврида простата безининг органометрик параметрлари 1-чи жадвал ва 1-чи расмда келтирилган.

1-жадвал

Эрта ва кечки постнатал онтогенез даврида каламуш простата безининг биометрик кўрсаткичлари

параметрлар ёши	хайвонлар сони	Простата			
		аъзо вазни (г)	қалинлиги (мм)	кенглиги (мм)	уzunлиги (мм)
янги туғилган	18	0,08±0,003	1,5±0,07	2,17±0,07	3,7±0,07
6-кунлик	20	0,10±0,002*	1,9±0,06*	2,5±0,06	4,5±0,06*
11-кунлик	18	0,13±0,004*	2,3±0,07*	3,1±0,13*	5,3±0,13*
16-кунлик	17	0,15±0,004	2,8±0,14	3,5±0,07	6,3±0,14*
21-кунлик	16	0,19±0,004*	3,6±0,15	4,6±0,15*	7,9±0,15*
1-ойлик	14	0,24±0,009*	4,3±0,08*	5,3±0,25	9,0±0,16*
3-ойлик	12	0,34±0,01*	5,0±0,18	6,2±0,18	10,1±0,28
6-ойлик	14	0,60±0,04*	6,7±0,25*	8,9±0,25*	13,0±0,41*
9-ойлик	12	0,91±0,04*	7,5±0,18	15,0±0,55*	14,1±0,46
12-ойлик	10	1,12±0,05	7,9±0,32	16,1±0,43	15,2±0,43
18-ойлик	10	1,23±0,07	8,4±,32	17,4±0,43	16,1±0,43

Изоҳ : *- олдинги ёш даврига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).



1-расм. Постнатал онтогенез даврида каламуш простата безининг морфометрик параметрлари

Постнатал даврда простата беги оғирлигининг ўзгариши бир ҳил эмас эди. Унинг энг катта ўсиши 6-ойлик каламушларда (76,5%), энг кичиги – 18-ойлигида (9,8%) аниқланган.

Простата вази коэффициентининг энг юқори қиймати янги туғилган каламушларда (1,55%) топилган. Лактация даврининг охиригача бу кўрсаткич 0,63% дан 0,92% гача ўзгариб турди. Ҳаётнинг кейинги даврларида коэффициент 0,21-0,56% оралиғида ётган эди.

Постнатал онтогенез даврида простата безининг чизиқли кўрсаткичлари ёшга қараб ортиб бориши аниқланган. 18-ойликгача бўлган даврда безнинг қалинлиги 5,6 марта, кенглиги 7,9 марта, узунлиги 4,4 марта ортган. Лактация даврида уларнинг энг катта ўсиши ривожланишнинг 6-чи ва 21-чи кунларида кузатилган. Кечки постнатал онтогенезда уларнинг энг катта ўсиши ҳаётнинг 1-чи ва 6-чи ойларида қайд этилган.

Шуни таъкидлаш керакки, назорат гуруҳларида безнинг бўйлама ўлчами органнинг кўндаланг ва олд-орқа ўлчамлари кўрсаткичларидан юқори бўлган ва 9-ойликдан бошлаб простата кенглиги узунлиги ва қалинлигидан устун кела бошлаган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, янги туғилган ҳайвонларда микроскопнинг умумий кўринишида баъзи ҳолларда безларнинг шаклланган секретор қисмлари, бошқаларида эса - простата беги постнатал морфогенезининг бошланғич босқичини ифодаловчи эпителий иплари аниқланган. Биринчи ҳолда, безларнинг секретор бўлимлари шаклланган бўлакчалари билан типик алвеоляр-найчали без тузилишига эга, уларнинг ички юзаси бир қаватли паст устунли эпителий билан қопланган. Иккинчи ҳолда, безда эпителиал иплар аниқланган, улар базал мембрана билан чегараланган бўлиб, эпителий ҳужайралари билан тўлдирилган юмалоқ ёки овал ҳосилалардир. Шу билан бирга, эпителиоцитларда базал мембранага нисбатан қутбланмаган йирик ўзаклари мавжуд эди. Ацинусларнинг бир қисмида эпителий сийрак жойлашарди, ҳужайралар чегаралари ноаниқ эди ва ҳужайраларнинг кўп

қаторлилиги ва полиморфизми кузатилган. Катта ва кўп ўзақли хужайралар ва митотик хужайралар аниқланган.

Ривожланишнинг 21-чи кунигача эпителий ипларининг ўсиши ва шохланиши туфайли безнинг структуравий элементлари ҳосил бўлган. Кейинчалик аста-секин эпителийни дифференцировкаси давом этган, хужайра қаторлари тартибли хусусиятга эга бўлган ва бир ойлик ёшдан бошлаб у катта ёшли ҳайвоннинг органи тузилишига яқинроқ бўлган фенотипга эга бўлган.

Постнатал онтогенез даврида простата беши юқори ва паст устунли эпителиоцитлар билан қопланган, стромал элементларнинг юпқа қатлами билан ўралган алвеоляр-найчали турдаги секретор бўлимлар аниқланган.

Ацинусларнинг эпителий қатламининг қалинлигида энг катта ўсиш ривожланишнинг 6-11-кунларида кузатилган. 12-ойликда эпителий қатламининг баландлиги 52,3% га, 18-ойликда - 10,6% га пасайган, бу органдаги ёшга боғлиқ инволютив ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

18-ойлик ҳайвонларда секретор бўлимлари эпителийсида кўп қаторли хужайралар пролиферацияси ўчоқлари аниқланган, худди шундай ҳолат простата уретраси ва чиқарув найлари эпителийсида кузатилган.

Туғилгандан бир ёшгача бўлган даврда секретор бўлимлар овал ва юмалоқ шаклга эга эди, бир ярим ёшли ҳайвонларда нотўғри тартибсиз шаклдаги ацинуслар устунлик қилган.

Туғилгандан кейинги эрта онтогенезда янги туғилган каламушларда ацинусларнинг энг катта диаметри аниқланган, бу она организми жинсий гормонларининг ушбу ёшда простата морфологиясига сезиларли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кейинчалик бу кўрсаткич аста-секин камайиб борган. Туғилгандан кейинги кечки даврда секретор бўлимлари диаметрининг энг катта ўсиши 1-ойлик (95,7%) ва 18-ойлик (98,6%) ҳайвонларда кузатилган.

Лактация даврида ацинусларнинг энг юқори секретор фаоллиги ҳайвонларда туғилиш пайтида кузатилган - 82,7%, бу органнинг туғилиш кунда содир бўлган тестостероннинг кўтарилиши муносабати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Кейинчалик ривожланишнинг 21-чи кунига қадар ацинусларнинг секретор фаоллиги нолга тенг бўлган. Кечки онтогенезда секрециянинг энг юқори ўсиш суръати 3-ойлик ёшда қайд этилган, у олдинги ёшга нисбатан 3,8 баравар ошган, бу ҳайвонларда балоғат ёши бошланишидан далолат берар эди. Ривожланишнинг 12-18 ойларида ацинусларнинг секретор фаоллиги 100% гача ошган, бу ҳолатни простата безида кечайдиган димланиш жараёнлари билан изоҳлаш мумкин.

Назорат гуруҳида янги туғилган чақалоқларнинг ацинусларида энг кўп дескваматив эпителий хужайралари топилган, кейин бу кўрсаткич аста-секин камайиб борган, 6-ойликдан бошлаб безнинг секретор бўлимларида десквамацияланган эпителий хужайралари топилмаган. Простата безининг секретор бўлимларидаги дескваматив хужайралар ва ҳосилалар простата тошларининг шаклланиши учун мумкин бўлган структуравий асос сифатида ҳизмат қилиши мумкин. 18-ойлик ҳайвонларда 50,0% ацинусларда конкреция ва ягона конкрементлар топилган, улар баъзи жойларда ацинусларнинг эпителий қопламасини вайрон қилган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, эмизиш даврида кўрув майдонидаги лимфоцитлар сонининг энг катта ўсиши 6-кунлик ҳайвонларда (26,7%), кеч онтогенезда – 6-ойлик каламушларда (75,4%) кузатилган. Ривожланишнинг 18-чи ойида тўқималар деструкциясиз ва лимфоид тугунчалар шаклланишисиз лимфоцитларнинг қўшилган майдонлари топилган.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда лактация даврида стромал тўсиқларнинг энг катта қалинлиги янги туғилган каламушларда, туғруқдан кейинги кеч онтогенезда – 18-ойлик ҳайвонларда кузатилган, ҳаётнинг 12-18 ойларида бириктирувчи тўқималарнинг ҳаддан ташқари ўсиши, асосан субкапсуляр зоналарда кузатилган.

Постнатал ривожланиш жараёнида кўрув майдонидаги томирлар сонининг энг юқори ўсиш суръати 6-ойлик ҳайвонларда кузатилган ва кечки онтогенезда ўсиш тезлиги лактация даврига қараганда анча юқори бўлган.

Постнатал онтогенез даврида венулалар, капиллярлар, артериолалар диаметри ва девор қалинлигининг энг катта ўсиши ҳаётнинг 6-11-чи кунлари ва 6-9 ойларида кузатилган, бу кўрсаткичларнинг ўсиши 12-18 ойлик ҳайвонларда кескин пасайган. 18-ойлик ҳайвонларда деярли барча томирларнинг бўшлиғи, айниқса венулаларни қон билан тўлиши қайд этилган. Томирлар атрофида лимфоцитларнинг тўпланиши аниқланган, улар томирларнинг деворларини инфилтрация қилган.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда секретор элементлар стромага нисбатан устун эди. Простата безидаги без тўқималарининг энг катта фоизи 9-ойлик (энг катта функционал фаоллик даври), энг кичиги – 18-ойлигида кузатилган. Строманинг энг юқори ўсиш суръати ҳаётнинг 3-ойлигида қайд этилган ва у 2,1 баравар кўпайган. Худди шу ёшда, ацинусларнинг энг юқори секретор фаоллиги 3,8 марта ошиши билан кузатилган.

Шундай қилиб, простата бези структуравий қисмларининг ривожланиши туғруқдан кейинги онтогенезнинг барча босқичларида кетма-кет ва ўзаро боғлиқ ҳолда содир бўлиб, умумий биологик қонуниятларга бўйсунди ва индивидуал хусусиятларга эга.

Ki67 пролифератив фаоллик маркеридан фойдаланган ҳолда иммуногистокимёвий тадқиқот назорат гуруҳидаги ҳайвонларда кенг кўламли пролифератив фаолликни кўрсатган. Проллиферация маркери билан иммуногистокимёвий реакция ўзакларнинг аниқ жигарранг бўялиши сифатида тақдим этилган, уларнинг бўялиши грануляр эди.

Назорат гуруҳидаги ҳайвонларда, туғруқ жараёнидан ривожланишнинг 21-чи кунига қадар стромал қатлам ва эпителий иплари тузилмаларида Ki67 маркерининг юқориги даражадаги экспрессияси кузатилган, бу бизнинг гистологик тадқиқотларимиз натижаларига мос келган, унга кўра каламушларнинг простата безидаги эпителиал-строма элементларнинг дифференцировкаси туғруқдан кейинги дастлабки уч ҳафта давомида содир бўлган эди. Бир ойликдан бир ярим ёшгача бўлган даврда секретор бўлимларининг эпителиясида ва стромада паст даражадаги пролифератив фаоллик қайд этилган, бу органнинг тугалланган дифференцировкаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

T-хужайра иммунитетининг ҳолатини баҳолаш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги ҳайвонларда туғруқдан кейинги онтогенез давомида

стромал қатлам ва без эпителий тузилмаларида CD3 маркерининг енгил экспрессияси аниқланган.

Диссертациянинг «Тажриба гуруҳи каламушлари простата безининг морфологик тузилиши» деб номланган тўртинчи бобида алкогольнинг сурункали таъсирида каламушлар простатасининг макромикроскопик тузилиши ва иммуногистохимёвий таснифи ёритилган.

Аниқланишича, экспериментал гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан простата шакли ривожланишида сезиларли орқада қолиш кузатилган.

Сурункали алкогольизмга чалинган хайвонларда, назорат билан солиштирганда, барча ёш гуруҳларида простата оғирлигининг дефицити ва простата беги органометрик кўрсаткичларининг пасайиши кузатилган, бу тажрибанинг 3-чи ва 18-чи ойларида яққол намоён бўлган.

Тажрибада назорат билан солиштирганда ўртача кунлик вазн ортиши ҳеч қандай ўзгаришларга учрамаган.

Экспериментал гуруҳдаги каламушларда простата безининг биометрик кўрсаткичлари 2-чи жадвал ва 2-чи расмда келтирилган.


2-жадвал

Алкоголнинг сурункали таъсиридаги экспериментал гуруҳ каламушлари простата безининг морфометрик кўрсаткичлари

параметрлар ёши	хайвонлар сони	Простата			
		аъзо вазни (г)	қалинлиги (мм)	кенглиги (мм)	узудлиги (мм)
3-ойлик	12	0,20±0,02*	4,0±0,18	5,1±0,18*	7,9±0,28*
6-ойлик	12	0,45±0,04	5,7±0,18	8,1±0,37	11,0±0,55
9-ойлик	8	0,85±0,06	6,5±0,27	13,4±0,8	12,2±0,67
12-ойлик	10	1,03±0,05	7,0±0,22	15,2±0,54	13,9±0,54
18-ойлик	10	0,80±0,05*	7,1±,22	14,4±0,54*	13,0±0,43*

Изоҳ : *- назорат гуруҳига нисбатан фарқларнинг ишончлилиги ($P \leq 0,05$).

Тажриба гуруҳидаги каламушларда вазн коэффиценти 0,24-0,37% оралиғида ётган. Бироқ, назорат гуруҳи билан солиштирганда, у тажрибанинг 6-чи (17,9%) ва 18-чи (35,1%) ойларида камайган, бошқа ёш гуруҳларида бироз ўсиш кузатилган.



2-расм. Экспериментал гуруҳ каламушларининг простата безининг морфометрик параметрлари

Экспериментда барча ёш гуруҳларида эпителиоцитларнинг сезиларли даражада текисланиши қайд этилган, бу эпителий қатламининг ўчоқли атрофияси ҳақида гапиришга имкон берган. Эпителий қатламининг энг катта текисланиши тажрибанинг 9-чи ойида (61,6%) кузатилган.

Ўрганилган каламушларда тажрибанинг барча ёш даврларида эпителий табақаланиш ўчоқлари (простатик интраэпителиал неоплазияси) аниқланган. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра (Xie W. et al., 2000; Alberts S.R., Blute M.L., 2001), простата интраэпителиал неоплазияси саратондан олдинги ҳолат сифатида таснифланган, ўчоқли эпителий табақаланиши, секретор фаоллигининг пасайиши ёки ўзакларнинг деформацияси ўсма кассаликларига олиб келиши мумкин.

Тажрибада назорат билан солиштирганда, барча ёш гуруҳларида безнинг секретор бўлимларида эпителий бурмаларининг камайиши, безларнинг шакли ва ўлчамлари бўйича полигоналлик кузатилган.

Барча ёшдаги экспериментал гуруҳ ҳайвонларида секретор бўлимларининг диаметри камайган, бу ҳолат айниқса каламушларнинг 3-ойлигида яққол намоён бўлган (62,2%).

Тажрибанинг 12-чи ойида гиперсекретор ҳолат фониди (100%) секретор бўлимларининг 2,3 марта кескин кенгайиши ва ацинусларда секретнинг тошиб кетиши каби когнестив ҳодисалар қайд этилган.

Тажрибада секретор фаоллиги бўлган ацинусларнинг улуши назорат гуруҳига нисбатан камайган, айниқса ривожланишнинг 3-чи ва 18-чи ойларида. Бир ёшда секретор фаоллиги 100% ни ташкил қилган, бу органдаги когнестив ҳодисалар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Алкоголнинг сурункали таъсирида простата безидаги алтератив ўзгаришлар, асосан, эпителийнинг десквамацияси билан тавсифланган, бу, бир томондан, апоптоз механизми туфайли ацинар эпителий хужайраларининг нобуд бўлишини, ва иккинчи томондан ацинар эпителийнинг секретор фаоллиги ошишини акс эттирган. Бир ёшли ҳайвонларда ацинуслар бўшлиғининг ёпилиши билан эпителийнинг тотал десквамацияси кузатилган. Эҳтимол, бу жараён каламушлар қон зардобиди тестостерон концентрациясининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, апоптоз йўли билан эпителий хужайраларининг оммавий нобуд бўлиши билан бирга кечган (Banerjee S. et al., 2000; Omezzine A. et al., 2003).

Экспериментал гуруҳ ҳайвонларининг без тўқималарида лимфоцитар инфильтрациясининг оғирлик даражасини баҳолаш шуни кўрсатдики, тажрибанинг 3-чи ойида тўқималар деструкциясиз ва лимфоид тугунчали формациясиз ўртача даражадаги лимфоцитар инфильтрация кузатилган. Бир ярим ёшгача тўқималарда тугунчалар шаклланиши, секретор бўлимлар бўшлиғида лимфоцитларнинг тўпланиши ва эпителий яхлитлиги бузилиши билан инфильтрациянинг оғир даражаси қайд этилган. Тажрибада строманинг лимфоцитар инфильтрацияси даражаси ва ацинуслар бўшлиғидаги лимфоцитлар мавжудлиги ўртасида боғлиқлик кузатилган.

Экспериментал гуруҳ ҳайвонларида интерстициал шиш пайдо бўлишини кўрсатадиган интерстициал бириктирувчи тўқима қатламларининг кенгайиши аниқланган. Тажрибанинг 3-6-чи ойларида бириктирувчи

тўқималарининг ҳаддан ташқари ўсишининг ўртача шакли, 9-18 ойларда - оғир шакли кузатилган, бунда стромал қатламларининг қалинлашиши фақат субкапсуляр зоналарда рўй берган. 18-чи ойга келиб, тўсиқлар қалинлигининг ўсиши марказий зоналарда устунлик қилган, бу ерда у назорат билан солиштирганда 8 бараваргача ошган. Субкапсуляр соҳаларда эса қатламларнинг қалинлиги 49,0% га ошган.

Тажрибада кўрув майдонида томирлар сонининг кўпайиши аниқланган. Уларнинг энг катта ўсиши 3-ойлик (82,0%) ва 9-ойлик (71,1%) ёшларда, асосан субкапсуляр зоналарда кузатилган.

Стромал қон томирлар диаметрининг энг катта кенгайиши ва девор қалинлигининг пасайиши тажрибанинг 12-18 ойлик ҳайвонларда топилган. 3-чи ойда қон томир ўзгаришлари периваскуляр соҳаларининг лимфоцитар инфилтрацияси шаклида кузатилган, 6-чи ойдан бошлаб томирларда шаклли элементлар стази ва стромада кенг геморрагия соҳалари билан ёрилиш ҳодисалари кўшилган. Шикастланишнинг оғирлик даражаси органнинг субкапсуляр зоналарида максимал бўлган, марказий ҳудудларнинг без бўлакчаларида компенсатор-тикланиш жараёнлари устунлик қилган.

Тажрибада без тўқималарининг улуши барча ёш даврларида камайган, бу 9-ойлик ҳайвонларда (65,0%) кўпроқ намоён бўлган. Шу билан бирга, ушбу даврда стромал тўқималарининг улуши назорат гуруҳи билан солиштирганда 5,9 баробарга ошган.

Шундай қилиб, алкогольнинг сурункали таъсирида безнинг эпителиал-строма элементларининг ўсиш жараёни нотекистик билан тавсифланади ва организмнинг анатомик, ёшга доир хусусиятларига ва алкогольнинг организмга таъсир қилган вақтига боғлиқ.

Экспериментал гуруҳ ҳайвонларида Ki-67 маркерига ўртача-оғир даражада иммунопозитив реакция кузатилган, бу пролифератив фаолликнинг ошишини кўрсатган. 6-12 ойликда маркернинг ўртача экспрессияси қайд этилган, 3,18 ойларда Ki-67 оксили учун ижобий бўялган ўзакларнинг юқори даражаси кузатилган, тажрибанинг 9-чи ойдан бошлаб маркер стромал қатлам тузилмалари ва қон томирларда аниқланган.

Тажрибада CD3 учун маркер 12 ойгача бўлган каламушларда ўртача даражада экспрессияланган, 18 ойлигида маркернинг оғир даражали экспрессияси кузатилган, бу алкогольга жавобан органдаги реактив жараёнларнинг кучайишини кўрсатган.

Диссертациясининг «**Постнатал онтогенез ва алкогольнинг сурункали таъсирида инсон простата безининг органометрик параметрларининг ултратовуш морфометрияси**» деб номланган бешинчи бобида чақалоқлик даврдан қариликгача бўлган даврда эркаклар простата безининг ёшга доир ултратовуш анатомияси, шунингдек сурункали алкоголизмга чалинган эркаклар простата безининг эхографик хусусиятлари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Постнатал онтогенез давмида простата безининг ёшга боғлиқ ултратовуш кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Ултратовуш текшируви шуни кўрсатдики, простата қалинлиги, кенглиги ва ҳажми ўсишининг энг юқори даражаси ўспирин даврида, простата узунлиги - ривожланишнинг ўсмирлик даврида кузатилган, бу организмдаги

иккинчи пубертат сакраш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Безнинг биометрик параметрларининг энг кичик ўсиши кекса ёшдаги эркакларда аниқланган.

3-жадвал


Эркаклар простата безининг ултратовуш параметрларининг ёшга доир морфометрик кўрсаткичлари

параметрлар ёш давлари	қалинлиги (мм)	кенглиги (мм)	узунлиги (мм)	ҳажми (куб.см)
чақалоқлик	8,9±0,32	4,8±0,22	9,8±0,32	0,24±0,02
эмизикли	9,4±0,25	5,1±0,21	10,4±0,25	0,29±0,02
эрта болалик	10,3±0,27	6,7±0,18*	11,4±0,21	0,45±0,03*
болаликнинг I-даври	12,5±0,19*	8,3±0,15*	13,8±0,23*	0,77±0,03*
болаликнинг II-даври	14,4±0,26*	11,1±0,24*	16,3±0,24*	1,44±0,09*
ўспирин	19,9±0,3*	22,2±0,51*	20,6±0,34*	4,93±0,25*
ўсмирлик	25,7±0,2*	33,9±0,23*	27,6±0,18*	11,6±0,27*
ўрта ёшнинг I-даври	27,4±0,14*	35,8±0,22*	27,7±0,20	14,2±0,28*
ўрта ёшнинг II-даври	31,2±0,18*	41,1±0,22*	31,0±0,16*	20,8±0,33*
кексалик	34,5±0,22*	45,1±0,24*	37,2±0,24*	30,3±0,53*
қарилик	35,2±0,36	46,5±0,27	38,2±0,32	32,7±0,81

Изоҳ : *- олдинги ёш даврига нисбатан фарқларнинг ишончилиги ($P \leq 0,05$).

Шуни таъкидлаш керакки, болаликнинг иккинчи давригача безнинг узунлиги кенглиги ва қалинлигидан каттароқдир. Ўсмирликдан бошлаб, бўйлама ва олдинги-орқа параметрларга нисбатан кўндаланг ўлчамининг устунлиги кузатилган.

Сурункали алкоголизмга чалинган эркаклар простата безининг морфометрик ултратовуш кўрсаткичлари 3-чи расмда келтирилган.



3-расм. Сурункали алкоголизмга чалинган эркаклар простата бези ултратовуш параметрларининг морфометрик кўрсаткичлари

Сурункали алкоголизмдан азият чекадиган эркакларда простата безининг чизиқли ва ҳажм кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан ошган, айниқса бу кексалик даврида яққол намоён бўлган.

Диссертациянинг «**Постнатал онтогенез ва алкогольнинг сурункали таъсирида инсон жисмоний ривожланиш кўрсаткичларининг антропометрик хусусиятлари**» деб номланган олтинчи бобида туғруқдан кейинги онтогенез давомида жисмоний ривожланишнинг морфометрик кўрсаткичларининг ривожланиши ва шаклланиши, шунингдек сурункали алкогольизмда уларнинг ўзгаришлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Шунингдек ушбу бобда антропометрик параметрларнинг простата безининг биометрик кўрсаткичлари билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Олинган антропометрик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, эркаларда туғруқдан кейинги онтогенезда жисмоний ривожланиш параметрларининг ўзгариши ёшга мос равишда амалга оширилган.

Тана узунлиги чақалоқлик давридан кексаликка қадар 3,3 баробарга ортган. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ўсиш суръати кўкрак ёши ўғил болаларида (39,5%) аниқланган. Шуни таъкидлаш керакки, тана узунлиги ўрта ёшнинг иккинчи давридан бошлаб бироз камайган.

Тана вазни кексаликгача 17,1 мартага ошган. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ўсиш суръати кўкрак ёши даврида аниқланган, ва у 2,4 баравар ошган. Кекса ва қари эркаларда тана вазни пасайган, бу қари одамларда (5,8%) яққол намоён бўлган.

Кўкрак қафасининг айланаси кексалик давригача 1,9 баробарга ошиши аниқланган. Ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ўсиш суръати кўкрак ёши ўғил болаларида (31,0%) кузатилган. Кекса ва қари ёшдаги эркаларда кўкрак қафасининг айланаси камайган, айниқса қариллик даврида (7,1%).

Сурункали алкогольизмга чалинган эркаларда тана узунлиги ўрта ёшнинг биринчи давридан кекса ёш давригача 5,1% га камайган. Назорат гуруҳи билан солиштирганда, бу кўрсаткич ўрта ёшдаги биринчи босқичда - 1,9% га, иккинчи босқичда - 2,2% га, кекса ёшда эса 2,9% га камайган.

Сурункали алкогольизмда тана вазни ўрта ёшнинг биринчи давридан кексаликгача 10,1% га камайган. Худди шундай назорат гуруҳи билан солиштирганда, ўрта ёшдаги биринчи босқичда тана вазни 4,3% га, иккинчи босқичда - 6,3% га, кексаликда - 8,8% га камайган.

Сурункали алкогольизмга учраган эркаларда кўкрак айланаси ўрта ёшнинг биринчи давридан кексаликка қадар 13,0% га камайган. Назорат гуруҳи билан солиштирганда, бу кўрсаткич ўрта ёшдаги биринчи босқичда 4,0% га, иккинчи босқичда - 6,5% га, кекса ёшда эса 8,2% га камайган.

Янги туғилган ўғил болаларда тана узунлиги ва простата ҳажми ўртасидаги корреляция коэффициенти 0,35 ни ташкил қилган. Бошқа ёш гуруҳларида корреляция коэффициенти 0,02-0,27 оралиғида ётган. Мустасно тариқасида балоғат ёшидаги биринчи даврда (0,006) корреляцион боғлиқлик аниқланмаган.

Тана вазни ва простата ҳажми ўртасидаги энг юқори корреляция коэффициенти балоғат ёшининг биринчи даврида топилган (0,37). Бошқа ёш гуруҳларида корреляция коэффициенти 0,05-0,28 орасида ўзгариб турган, мустасно тариқасида болаликнинг биринчи даврида (0,008) ва қарилликда (0,003) корреляцион боғлиқлик аниқланмаган.

Янги туғилган ўғил болаларда кўкрак айланаси ва простата ҳажми ўртасидаги корреляция коэффиценти 0,55 ни ташкил этган. Бошқа ёш гуруҳларида корреляция коэффиценти 0,06-0,33 оралиғида ётган.

ХУЛОСА

1. Оқ каламушлар простатаси чақалоқлик давридан 6-ойликгача юмалоқ, узунлама-овал шакллариغا эга, 6-ойликдан 12-ойликгача - икки ёки тўрт бўлакли, 12-ойликдан 18-ойликгача - тўрт бўлакли тузилишга эга. 9-чи ойгача простата безининг узунлиги, эни ва қалинлигидан каттароқдир, ривожланишнинг 9-чи ойдан бошлаб безнинг кўндаланг ўлчами бўйлама ва олд-орқа ўлчамларига нисбатан устунлик қила бошлайди. Экспериментал гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан простата шакли ва ҳажмининг ривожланишида сезиларли кечикиш аниқланади.

2. Сурункали алкоголизмга чалинган каламушларда назорат билан солиштирганда, барча ёш гуруҳларида тана, орган вазни дефицити ва простата беши чизиқли параметрларининг пасайиши кузатилади, бу 3-ойлик ва бир ярим ёшли ҳайвонларда яққол намоён бўлади. Тажрибада назорат гуруҳи билан солиштирганда ўртача кунлик вазн ортиши ҳеч қандай ўзгаришларга учрамайди. Тажриба гуруҳидаги каламушларда вазн коэффиценти 0,24-0,37% оралиғида ётади. Бунда у назорат гуруҳи билан солиштирганда тажрибанинг 6-чи (17,9%) ва 18-чи (35,1%) ойларида камаёди, бошқа ёш гуруҳларида биров ўсиш кузатилади.

3. Лактация даврининг охиригача эпителий ипларининг ўсиши ва шохланиши туфайли безнинг эпителиал-строма элементларининг дифференцировкаси давом этади, бу кўп қаторли эпителий, юмалоқ, йирик ўзаклари ва митоз ҳужайралари кўплиги билан тасдиқланади. Кейинчалик эпителий аста-секин ривожланиб, ҳужайраларнинг бир қатламини эгаллайди ва бир ойлик ёшдан бошлаб катта ҳайвоннинг тузилишига яқинроқ бўлган фенотипга эга бўлади. Ривожланишнинг 12-чи ойида без тўқималарида эпителий қатлами баландлигининг 52,3% га кескин пасайиши, секретор бўлимлар диаметрининг 63,9% га камайиши ва секретор фаолияти пасайиши шаклида инволютив ўзгаришлар ҳукмронлик қилади.

4. Сурункали алкоголизмга чалинган ҳайвонларда безлар шакли ва ўлчами полигоналлиги, ацинуслар бурмалиги, ўлчамлари, секретор фаоллиги, орган структурасида без паренхимаси ҳажмининг пасайиши, турли даражадаги фокал десквамация кўринишидаги алтератив ўзгаришлар кузатилади, бу эса без эпителийси ҳужайралар элиминацияси тезлашганини кўрсатади. Жойларда ацинуслар эпителий қатламида табақаланиш ўчоқлари аниқланади, бу эса кейинчалик ўсма касалликларига олиб келиши мумкин.

5. Алкогол таъсири қон томирлар ўзгаришига олиб келади, бу томирлар сони ва диаметрининг ошиши, уларнинг деворлари қалинлигининг пасайиши, асосан органнинг субкапсуляр қисмларида ва периваскуляр зоналарнинг лимфоцитар инфилтрациясида намоён бўлади, томирларда, айниқса венулаларда шаклли элементлар стази ва стромада кенг геморрагия соҳалари билан ёрилиш ҳодисалари қайд этилади.

6. Лактация даврининг охиригача ацинуслар эпителийси ва строма тузилмалари Ki67 пролиферация маркери экспрессиясининг оғир даражасини намоёиш этади, бу ривожланишнинг 21-чи кунига қадар безнинг давом этаётган дифференцировкаси, бизнинг гистологик тадқиқот натижаларимизга мос келади. Кейинги кечки даврларда орган тузилмалари енгил даражадаги иммунопозитив хусусиятларини кўрсатади. Алкоголнинг сурункали таъсири остида ўртача - юқори пролифератив фаоллик кузатилади ва 9-ойдан бошлаб маркер ҳам стромал қатлам тузилмаларида, ҳам томирларда аниқланади. CD3 маркери ёрдамида Т-хужайрали иммунитет ҳолатини баҳолаш шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги ҳайвонларда туғруқдан кейинги онтогенез давомида стромал қатлам ва без эпителийси тузилмаларида CD3 маркер реакциясининг заиф фаоллиги кузатилади. Тажрибада бу маркер ўртача даражада экспрессияланади, лимфоцитларнинг тўпланиши қайд этилади, бу организмда антиген гомеостазини сақлаб туриш мақсадида хужайра иммунитетини реактивлигининг ошишини кўрсатади.

7. Инсоннинг туғруқдан кейинги ривожланиш даврида ёш билан бирга простата безининг ултратовуш кўрсаткичлари ортади. Простата узунлигининг энг катта ўсиши ўсмирлик даврида (34,0%), ўспирин даврида қалинлиги 38,5% га, кенглиги - 2,0 марта, без ҳажми - 3,4 мартага ошади. Безнинг ҳажм-чизиқли параметрларининг энг кичик ўсиши қари ёшдаги эркакларда кузатилади. Болаликнинг иккинчи давригача органнинг бўйлама ўлчами кўндаланг ва олдинги-орқа ўлчамларидан каттароқ, ўспирин давридан бошлаб простата безининг кенглиги безнинг узунлиги ва қалинлигидан устун туради. Сурункали алкоголизмга чалинган эркакларда простата безининг ҳажм-чизиқли кўрсаткичларининг ошиши кузатилади. Назорат билан солиштириганда, бўйлама ўлчамининг максимал ўсиши ўрта ёшнинг иккинчи даврида (28,7%), кўндаланг (10,0%), олдинги-орқа (17,4%) ўлчамлари ва орган ҳажми (64,0%) - кекса эркакларда кузатилади.

8. Эркакларда жисмоний ривожланиш параметрларининг энг катта ўсиши кўкрак ёши болаларида қайд этилади, кекса ва қари ёшдаги эркакларда бироз пасайиш кузатилади. Сурункали алкоголизм билан касаланган одамларда назорат гуруҳига нисбатан антропометрик кўрсаткичларининг ривожланишида сезиларли кечикиш кузатилади, бу кексаликда яққол намоён бўлади. Тадқиқот барча ёш гуруҳларида простата безининг ҳажми ва текширилаётган эркакларнинг жисмоний ривожланишининг антропометрик кўрсаткичлари ўртасида ижобий заиф ва ўртача корреляцион боғлиқлик мавжудлиги аниқланди: тана узунлиги ($r=0,02-0,35$), тана вазни ($r=0,05-0,37$), кўкрак қафаси айланаси ($r=0,06-0,55$).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

РАДЖАБОВ АХТАМ БОЛТАЕВИЧ

**ВОЗРАСТНАЯ МОРФОЛОГИЯ ПРЕДСТАТЕЛЬНОЙ ЖЕЛЕЗЫ, ЕЁ
СВЯЗЬ С ПОКАЗАТЕЛЯМИ ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ И
СТРУКТУРНЫЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ
АЛКОГОЛИЗМЕ**

14.00.02 – Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара– 2024

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за № B2022.1.DSc/Tib647

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и в информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный консультант

Тешаев Шухрат Жумаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
доктор медицинских наук

Курбанов Саид Сафарович
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Таджикистан)

Баландина Ирина Анатольевна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Ведущее учреждение

**University of campania “Luigi Vanvitelli”
School of Medicine and Surgery (Италия)**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2024 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (адрес: 200118, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23. Тел./факс:(+99865) 223–00–50.

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №___). Адрес: 200118, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23. Тел./факс: (+99865) 223–00–50.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2024 года.

(Реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2024 года).

А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук, профессор

Н.Н. Казакова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней,
доктор медицинских наук (DSc)

Б.З. Хамдамов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Повышенное внимание практикующих врачей и научных работников фундаментальной медицины к изучению предстательной железы продиктовано высоким уровнем её патологии, «...подчас неутешительными показателями диагностики и лечения, целесообразностью исследования этиопатогенеза заболеваний железы с целью предоставления качественного медицинского обслуживания...»¹. На сегодняшний день не утратила своей актуальности анатомическая аргументация хирургического лечения заболеваний простаты, хотя достигнуты некоторые успехи в оперативном её лечении. Остается неизученным процесс становления эпителиально-стромальных элементов предстательной железы в динамике развития и их взаимоотношение с гемомикроциркуляторным руслом. Не исследованы органометрические параметры железы с учётом показателей физического развития и возрастной изменчивости. С точки зрения морфологии возрастные изменения представляют интерес в плане корректировки возрастной нормы и учета её при оценке патологических процессов. В конечном итоге патология простаты приобретает не только медицинское, но и социальное значение.

Во всём мире исследователями установлено, что на морфоструктуру предстательной железы могут влиять различные факторы окружающей среды, в том числе и химические. Алкоголь относится к наиболее токсичным химическим факторам. По данным Всемирной организации здравоохранения в результате вредного употребления алкоголя в мире каждый год фиксируется 3 миллиона смертей, что составляет 5,3 % всех случаев смерти. Алкоголь опасен токсическим влиянием на большинство органов и систем. Злоупотребление алкоголем представляет собой третий в мире фактор риска заболеваний и инвалидности, является причиной 60 видов заболеваний. Проведены экспериментальные и клинические работы, посвящённые изучению влияния алкоголя на разные органы и системы организма. Наиболее уязвимыми органами являются головной мозг, почки, печень, легкие. Нет сообщений о комплексных исследованиях органометрических изменений предстательной железы в возрастном аспекте, а также при хроническом воздействии алкоголя. До настоящего времени остается невыясненным действие алкоголя на становление и морфологическое состояние предстательной железы. Не выяснено, в какие сроки постнатального онтогенеза алкоголь представляет наибольшую опасность для развития и формирования морфологических структур простаты, что представляет несомненный интерес для теоретической и практической медицины.

В Узбекистане на сегодняшний день ведётся масштабная работа по совершенствованию системы здравоохранения, социальной защиты,

¹ Абоян И.А., Толмачев А.Н., Лемешко С.И. Морфологическая характеристика ткани гиперплазированной предстательной железы при хроническом простатите. Экспериментальная и клиническая урология 2020(4):82-88. <https://doi.org/10.29188/2222-8543-2020-13-4-82-88>.

адаптации медицинской системы к мировым стандартам, ранней диагностике, лечению и профилактике заболеваний, увеличению продолжительности жизни. Согласно Указу Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» в рамках задач по обеспечению здоровья населения, предусматривается организация первичных медицинских услуг в регионах на основе принципа «...один шаг и принятие необходимых мер для организации в махаллях первичной медицинской помощи в целях создания населению более удобных условий для пользования качественными медицинскими услугами...»².

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, указанных в Указе Президента Республики Узбекистан за № УП-60 «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-5124 «О Дополнительных мерах по комплексному развитию сферы здравоохранения» от 25 мая 2021 года, № ПП-5199 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы специализированной медицинской помощи в здравоохранении» от 28 июля 2021 года, а также в других нормативных правовых документов данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Настоящая работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Вопросами морфологии мужской репродуктивной системы, в том числе простаты млекопитающих занимались ведущие научные центры и университеты различных стран мира, такие как: North Carolina State University, Colorado State University Fort Collins, New York State Veterinary College at Cornell University (США); Seoul National University (Южная Корея); The University of Tokyo, University of Tsukuba, Tokyo Medical and Dental University (Япония); City University of Hong Kong (Гонконг); Centre National de La Recherche Scientifique CNRS, Institut National de La Santé & de La Recherche Médicale (INSERM), Université Clermont-Auvergne (Франция); Universitet Göttingen (Германия); University of Bologna (Италия); University of Agricultural Sciences and Veterinary Medicine (Румыния); University of Tabriz (Иран); Federal University of Agriculture, Makurdi, Ahmadu Bello University, Zaria (Нигерия); San Paulo State University, Institute of Biosciences, Humanities and Exact Sciences (Бразилия); University of Sciences and Technology Houari Boumediene (USTHB), University of Algiers I Benyoucef Benkhedda, Saad

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

³ <https://www.wku.edu/>; <https://www.dominican.edu/>; <https://www.harvard.edu/>; <https://missouri.edu/>; <https://www.unl.edu/>; <https://www.unipage.net/>; <https://www.ox.ac.uk/>; <https://www.icu.ac.jp/en/>; <https://www.wur.nl/en/>; <https://www.fabnet.up.ac.za/>; <https://www.up.ac.za/>; <https://www.dal.ca/>; <https://www.usask.ca/>; <https://www.kuleuven.be/>; <https://www.ugent.be/en> и другие источники.

Dahlab University of Blida, University of Sciences and Technology Houari Boumediene (USTHB), University Mouloud Mammeri Tizi Ouzou (UMMTO) (Алжир); Alexandria University, Matrouh University (Египет); Universitas Gadjah Mada (Индонезия); Бурятская государственная сельскохозяйственная академия имени В.Р. Филипова, Новосибирский государственный аграрный университет, Красноярский государственный аграрный университет, Омский государственный аграрный университет (Российская Федерация)

Предстательную железу человека на различных этапах постнатального онтогенеза исследовали в таких научно-исследовательских учреждениях, как University of Illinois at Chicago, University of Kentucky, Baylor College of Medicine, Houston, University of California, University of Wisconsin, Duke University, Davison Building, Wayne State University, Karmanos Cancer Institute, Florida International University College of Arts (США); Кабардино-Балкарский государственный университет, Российская медицинская академия последипломного образования, Санкт-Петербургская государственная педиатрическая академия (Российская Федерация); Витебский государственный ордена Дружбы народов медицинский университет (Республика Беларусь); Львовский национальный медицинский университет имени Данила Галицкого, Запорожский государственный медицинский университет (Украина).

Макро и микроанатомию простаты грызунов, в том числе и крыс, изучали в таких мировых научных центрах, как University of California (США); Mie University (Япония); University of León (Испания); University of Trás-os-Montes and Alto Douro, Center for the Research and Technology of Agro-Environmental and Biological Sciences, University of Aveiro, Animal and Veterinary Research Center, Lusophone University of Humanities and Technologies, University of Trás-os-Montes and Alto Douro, Institute for Research in Biomedicine (Португалия); Universidad Autónoma Metropolitana-Iztapalapa, Universidad Autónoma de Tlaxcala (Мексика); University of Ibadan, Federal University of Agriculture (Нигерия); University of the Witwatersrand (ЮАР).

Проведены достаточное количество экспериментальных и клинических работ, посвященных изучению влияния алкоголя на разные органы и системы организма. Отрицательные эффекты воздействия алкоголя на репродуктивную систему, в том числе простату млекопитающих чрезвычайно разнообразны, и во всём мире для решения этой проблемы проводились многочисленные научные изыскания в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, в том числе: Institute of Biosciences, San Paulo State University, Institute of Biology, State University of Campinas UNICAMP (Бразилия); Научно-исследовательский институт клинической и экспериментальной лимфологии РАМН, Кабардино-Балкарский государственный университет (Российская Федерация).

Степень изученности проблемы. Воспроизводительная миссия млекопитающих является источником продолжения жизни на Земле, по этой причине любые отклонения в ней приводят к глобальным нежелательным последствиям. В последнее время у мужчин повсеместно отмечается тяжёлое

состояние показателей спермограммы, по сведениям центров репродуктологии, падает уровень оплодотворяемости, становятся более частыми факты пренатальной смертности. Всё это говорит о неизбежности принятия срочных мер для уточнения причин репродуктивных отклонений и изучения их механизмов (Саяпина И.Ю., 2018; Абоян И.А. и соавт., 2020; Ланина В.А. и соавт., 2020; Magri V. et al., 2019).

Обзор существующих литературных источников показал, что, несмотря на наличие работ по морфологии предстательной железы, в большинстве из них затрагиваются отдельные этапы морфологии органа. Остается неизученным процесс формирования и роста макро и микроанатомических параметров простаты в возрастном аспекте (Устенко Р. Л., 2013; Громов А.И. и др., 2017; Петько И. А., Усович А. К., 2019; Bannowsky A. et al., 2018).

Настоящее исследование даст возможность обозначить план последующего исследования возрастных преобразований в рассматриваемых структурных организациях простаты, а также выяснить этапы в становлении органа и разработать методы коррекции заболеваний.

Одной из актуальных проблем современной медицины является изучение механизмов развития хронического алкоголизма. На сегодняшний день остается неясным действие алкоголя на рост и развитие предстательной железы. Не установлено, на каком этапе развития алкоголь представляет чрезмерную угрозу для формирования морфологических структур простаты, что представляет несомненный интерес для теоретической и практической медицины (Россо А. et al., 2014; Иванец Н.Н., 2016). Всё это, несомненно, усложняет правильную интерпретацию функционального значения предстательной железы в норме и при её отклонениях. Исследование данной проблемы позволила бы раскрыть механизмы поражения органов репродуктивной системы при воздействии алкоголя.

Анализ литературных источников последних лет (Труфанов Г.Е., Рязанов В.В., 2016; Аляев Ю.Г. и соавт., 2018; Brock M. et al., 2018; Zyryanov A.V. et al., 2020) свидетельствует, что сведения по ультразвуковой морфометрии предстательной железы ограничиваются отдельными наблюдениями определённого возраста и, как правило, получены попутно при обследовании их на наличие той или иной патологии, вследствие этого они базируются на недостаточном количестве наблюдений для статистической достоверности результатов, носят отрывистый характер и приводятся без учета показателей физического развития и возрастной изменчивости. Вместе с этим в литературе нет данных по возрастной УЗИ - анатомии простаты лиц мужского пола на протяжении всего постнатального онтогенеза. Нет четкого представления о закономерностях становления биометрических параметров органа при хроническом алкоголизме в зависимости от возраста. Решение проблемы позволит сформулировать соответствующие рекомендации для врачей по взаимосвязи анатомических параметров предстательной железы в зависимости от возраста и при воздействии химических факторов внешней среды.

Таким образом, при разработке нормативных национальных стандартов по морфометрическим параметрам изменений предстательной железы в разные периоды постнатального онтогенеза необходимо продолжить изучение взаимосвязи органометрических параметров простаты с показателями физического развития.

Связь темы диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Настоящее диссертационное исследование реализовано согласно плану научно-исследовательских работ Бухарского государственного медицинского института (05.2022.DSc.174) в рамках темы: «Раннее выявление, диагностика, разработка новых методов лечения патологических состояний, влияющих на здоровье населения Бухарской области в период после COVID-19 (2022-2026 гг.)».

Целью исследования явилось определение возрастной морфологии предстательной железы, её связи с показателями физического развития и структурных изменений при хроническом алкоголизме в клинико-экспериментальном исследовании.

Задачи исследования:

определить динамику развития весового показателя тела и органометрических параметров предстательной железы крыс на протяжении всего постнатального онтогенеза;

выяснить рост и развитие массы тела и анатомических параметров простаты крыс при хроническом алкогольном отравлении в зависимости от возраста;

определить и оценить динамику становления железистых и нежелезистых структур простаты крыс в постнатальном онтогенезе;

установить последовательность становления эпителиально-стромальных структур простаты крыс в постнатальном онтогенезе при хроническом алкогольном отравлении в эксперименте;

выявить закономерности развития и формирования гемомикроциркуляторного русла предстательной железы крыс в постнатальном онтогенезе и при хроническом воздействии алкоголя;

провести с помощью иммуногистохимических методов (маркеры Ki67, CD3) сравнительную оценку пролиферативных процессов и состояния T-клеточного звена иммунитета в простате интактных крыс и при хроническом воздействии алкоголя;

изучить и оценить органометрические параметры ультразвуковой анатомии предстательной железы у лиц мужского пола с периода новорождённости до старческого возраста, а также у мужчин с хроническим алкоголизмом.

выявить взаимосвязь биометрических параметров предстательной железы с показателями физического развития на протяжении постнатального онтогенеза.

Объектом исследования явились 213 белых беспородных крыс-самцов с периода новорожденности до 18 месяцев, а также 1544 лиц мужского пола с новорожденного до старческого возраста.

Предметом исследования послужили макропрепараты и гистологический материал простаты лабораторных животных, а также результаты ультразвуковых измерений предстательной железы и основных показателей физического развития у лиц мужского пола.

Методы исследования. Были применены макроскопические, гистологические, иммуногистохимические, ультразвуковые, морфометрические и статистические методы исследования.

